

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

6-7-сон
(298-299)
2008 й.
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

24. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактаблар ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар, юкори синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» 1990 йил 13 ноябрдаги ПФ-93-сонли Фармони қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 февралдаги ПФ-3962-сон Фармони
25. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 февралдаги ПФ-3963-сон Фармони
26. «Тошкент шаҳрини йўловчи автобуслар билан қўшимча таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 февралдаги ПҚ-788-сон қарори

Учинчи бўлим

27. «Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ-733-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 6 февралдаги 22-сон қарори

Бешинчи бўлим

28. «Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2007 йил 29 декабрдаги 269-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 февралда 1765-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
29. «Божхона қонунчилигини бузган шахсларни маъмурий ушлаб туриш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 17 январдаги 01-02/22-6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 7 февралда 717-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
30. «Божхона брокери тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 17 январдаги 01-02/20-3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 7 февралда 1271-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
31. «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 22 январдаги 13, 3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 февралда 1339-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
32. «Молия бозорларида рейтинг агентликлари фаолиятига бўлган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2007 йил 17 декабрдаги 104, 297-В, 2007-13-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 февралда 1766-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
33. «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 2 январдаги 1/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 февралда 1767-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

34. «Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 2, 4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 февралда 1768-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 2 февралдан 15 февралгача бўлган маълумот

+

-

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

24 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактаблар ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар, юқори синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» 1990 йил 13 ноябрдаги ПФ–93-сонли Фармонини қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги ПФ–3942-сонли Фармони қабул қилиниши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактаблар ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар, юқори синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» 1990 йил 13 ноябрдаги ПФ–93-сонли Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 5 февраль,
ПФ–3962-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

25 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ–744-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.
2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент ш.,
2008 йил 5 февраль,
ПФ-3963-сон

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2008 йил 5 февралдаги
ПФ-3963-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тамаки маҳсулотлари ва алко-
голли ичимликларга акциз маркалари қўлланишни такомиллаштириш тўғрисида»
1997 йил 12 июндаги ПФ-1789-сонли Фармонининг 3-банди ўз кучини йўқотган
деб ҳисоблансин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини
йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбеки-
стон Республикаси Президентининг 1998 йил 16 апрелдаги ПФ-1988-сонли Фармо-
ни 2-иловасининг 4-бандидаги тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолати-
ни яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»
2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли Фармони 3-бандидаги иккинчи хатбоши
қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона
ер солиғи бўйича тушадиган маблағларга тенг бўлган Давлат бюджетига маблағла-
ри».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**26 Тошкент шаҳрини йўловчи автобуслар билан қўшимча таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш хажмлари ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда йўловчи транспорти тизимини янада ривожлантириш ҳамда автобуслар паркини замонавий транспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2008 йилда 200 та «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» шаҳар йўловчи автобусларини харид қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва «ЭвоБус Гмбх» (Германия) компанияси ўртасида 2008 йилда:

хар бири учун 132,0 минг евродан умумий миқдори 26,4 млн. еврога тенг бўлган, шартнома қийматининг 50 фоизи (13,2 млн. евро)ни олдиндан тўлаш, қолган қисмини эса — автобуслар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб келинишига қараб аккредитив очиш орқали тўлаш шarti билан 200 та «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумли шаҳар автобусларини етказиб бериш;

«Тошавтобустрас» акциядорлик компаниясининг «Мерседес-Бенц» сервис хизмати кўрсатиш маркази» шўъба корхонасини жиҳозлаш учун бепул асосда 400,0 минг евро миқдорида ускуналар ва махсус асбоблар етказиб бериш бўйича шартнома тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

шартноманинг тўлиқ қийматини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармасининг 3 йил имтиёзли даврни ҳам ҳисобга олган ҳолда 10 йил муддатга бериладиган кредит маблағлари ҳисобидан, йиллик 2 фоизли ставка ва қайта молиялаштирувчи «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг йиллик 0,25 фоизли маржаси бўйича амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармасининг асосий қарзини узиш, кредитга хизмат кўрсатиш бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақини тўлаш «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси маблағлари, шунингдек, оладиган автобуслар миқдорига мутаносиб равишда «Тошавтобустрас» акциядорлик компанияси ва автобус парklarининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги белгиланган тартибда мазкур шартнома бўйича эксперт хулосасини берсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, истисно тариқасида, техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни кўриб чиқиш ва тасдиқлашдан аввал қарз битимларини расмийлаштирсин ҳамда «ЭвоБус Гмбх» компанияси билан тузилган шартномада назарда тутилган муддатларда молиялаштиришни очсин.

6. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси:

бир ой муддатда 200 донa шаҳар автобусларини сотиб олишнинг техник-иқтисодий ҳисоб-китобини ишлаб чиқишни ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси кредитига хиз-

мат кўрсатишга йўналтириладиган маблағларни жамлаш учун «Ўзсаноатқурилиш-банк»да махсус жамғариш ҳисоб рақамини очсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Таракқиёт ва тикланиш жамғармасининг жалб этиладиган кредити бўйича «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг «Ўзсаноатқурилишбанк» олдидаги мажбуриятлари юзасидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг кафолатини берсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тасдиқланган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда 200 та «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» автобусларини сотиб олиш Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Инвестиция дастурига киритилишини таъминласин.

9. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси «ЭвоБус Гмбх» компанияси билан тузилган шартнома бўйича олиб келинадиган 200 та автобус, асбоб-ускуналар ва махсус жиҳозлар, шунингдек автобуслардан фойдаланишнинг кафолат муддати даврида ишдан чиққан қисмлари ўрнига етказиб бериладиган эҳтиёт қисмлар ҳамда материаллар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

+

Тошкент ш.,
2008 йил 6 февраль,
ПҚ-788-сон

-

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

27 Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ–733-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ–733-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарори 2-бандининг биринчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 56-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки, пахта толаси хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари ҳамда Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси орқали пахта толасининг улгуржи сотиш нархида қўшилган қиймат солиғи суммасини счёт-фактураларда ажратиб кўрсатган ҳолда сотилади».

2. Ушбу қарор 2008 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 6 февраль,
22-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**28 Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
4 февралда 1765-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 14 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 10 сентябрдаги 190-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Магистратура тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан сўнг кучга киради.
3. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази билан биргаликда Низом Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олингандан сўнг бир ой муддатда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни амалга ошириш бўйича олий таълим муассасаларида семинар ўтказсин.
4. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сон буйруғи билан тасдиқланган «Магистратура тўғрисида»ги низом бекор қилинади.
5. Ушбу буйруқнинг бажарилиши назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 декабрь,
269-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2007 йил 29 декабрдаги 269-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Магистратура тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 190-сон қарорига мувофиқ магистратура фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифати ва рақобатбардошлилигини кучайтириш, халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш, қонун ҳужжатлари ва давлат таълим стандартларига мувофиқ олий таълим муассасаларида магистрлар тайёрлаш тартибини белгилайди.

И. Умумий қоидалар

1. Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Магистратура таълим дастурини тугатган битирувчиларга якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра таълим йўналишининг аниқ мутахассислиги бўйича «магистр» академик даражаси тўғрисидаги давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом берилади.

2. Тегишли мутахассисликлар бўйича магистрларни тайёрлаш кадрлар буюртмачиларининг таклифлари асосида, давлат аккредитациясидан ўтган олий таълим муассасаларида амалга оширилади.

3. Олий таълим муассасасига янги мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрлаш ҳуқуқи белгиланган тартибда олий таълим муассасасининг сўровномаси, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифлари, Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига (бундан кейин матнда Давлат таълим стандарти деб юритилади) мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан кейин матнда Давлат тест маркази деб юритилади) томонидан экспертизадан ўтган ўқув режалари ва дастурлари асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган квоталар асосида берилади.

4. Магистр:

танланган мутахассислик бўйича мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир фаолиятини юритиш;

тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича олий таълимдан кейин аспирантурада таҳсил олиш;

кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

5. Олий таълим муассасалари барча бўлинмаларининг магистрлар тайёрлаш

бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш магистратура бўлими томонидан кафедралар ва деканатлар билан бирга амалга оширилади.

6. Магистрларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ изланиш натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган нашрларда ва олий таълим муассасалари нашрларида чоп этилиши мумкин.

II. Магистратурага қабул қилиш

7. Магистратурага қабул қилиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8. Магистратурага кириш имтиҳонлари ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича магистрлик мутахассислиги, ўқитиш тили ва шаклига кўра алоҳида ўтказилади.

9. Таянч олий таълим муассасалари қошида магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасалари таклифлари асосида мақсадли магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

10. Магистратурага қабул қилиш давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

11. Магистратурада мутахассисликлар бўйича иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

12. Магистратурага хорижий фуқароларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларни ўқитиш тўғрисида» 1994 йил 24 майдаги 266-сон қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширилади.

III. Магистрнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий талаблар

13. Магистр ўз мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқотларни бажара олиши, илмий ижод услубиётини билиши, замонавий ахборот технологияси асосида илмий маълумотлар йиға олиши, улардан фойдаланиш ва сақлаш усулларини билиши ҳамда илмий-фаолият ва мустақил амалий фаолиятга тайёр бўлиши лозим.

14. Мутахассислик доирасида магистр:

билимларни умумлаштириш, хулосалар чиқариш ва уни бошқаларга ўргатиш; жараён ва технологияларни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш;

замонавий, рақобатбардош тадқиқот услубиётларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

бозор муносабатлари шароитида, иқтисодиётнинг ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда илмий муассаса, конструкторлик бюроси, ишлаб чиқариш корхоналари бўлимлари ва бошқа ташкилот, муассасалар ишини ташкил этиш, муаммосини ҳал этиш, илмий тадқиқот, изланиш натижаларини амалиётга татбиқ этиш, замонавий лаборатория ва техник жиҳозлардан фойдаланиш ва бошқариш қобилиятига эга бўлиши керак.

15. Магистр ўзининг мутахассислиги, илмий-фаолият ва илмий-педагогик тайёргарлигига мувофиқ касбий фаолиятининг:

лойиҳа-конструкторлик;

лойиҳа-технологик;

илмий-тадқиқот ва тажриба;

ишлаб чиқариш бошқаруви;

илмий-педагогик;

илмий-ижодий турлари, шунингдек, бакалаврият таълим йўналишига мос бошқа мутахассисликлари бўйича ҳам шуғулланиши мумкин.

16. Магистр касб фаолиятининг асосий соҳаларига қўйидагилар кирази:

Илмий-тадқиқот муассасалари, лойихалаш ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш корхоналари;

давлат ва нодавлат олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари;

магистр академик даражасини талаб қиладиган бошқа турдаги фаолиятлар.

17. Бакалаврият таълим йўналишлари негизида мутахассисликлар бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган умумий талаблар Давлат таълим стандартларига мувофиқ белгиланади.

IV. Магистратура таълим дастури блоклари мазмунига қўйиладиган талаблар

18. Магистратурада ўқув жараёни тегишли таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилган, Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган ҳамда Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими илмий-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган мутахассисликлар бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари асосида ташкил этилади.

19. Магистратуранинг таълим дастурлари Давлат таълим стандартида кўзда тутилган қўйидаги фанлар блокларини ўз ичига олади:

а) умумметодологик фанлар;

б) мутахассислик фанлари;

в) илмий фаолият (илмий тадқиқот, илмий-педагогик, илмий-техник ва илмий-ижодий ишлар).

20. Умумметодологик фанлар блокада:

миллий истиқлол ғояси ва гуманитар, техник ва табиий фанларнинг фалсафий масалалари бўйича билимлар берилиши;

инсониятнинг глобал муаммолари, маънавий ҳаёт, шахс ва жамият эҳтиёжлари, таълимнинг инсонпарварлик руҳи, замонавий цивилизация ва унинг тараққиёт йўналишлари, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим қилиш усуллари тўғрисидаги тасаввурлар шакллантирилиши;

илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантирилиши;

илмий ижодиёт методологияси, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва инкор қилиш йўлларига доир билимлар, шунингдек, таълимда педагогик технологиялар, менежмент ва иқтисодиёт асослари ҳақидаги билимлар берилиши таъминланиши зарур.

21. Мутахассислик фанлари блокада:

муайян мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимлар, ўқув ва кўникмалар, ўқитиладиган фанлар таркиби, уларнинг мазмун-моҳиятига қўйиладиган талабларни кадрлар буюртмачилари билан келишган ҳолда шакллантирилиши;

мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш, мустаҳкамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмалари ривожлантирилиши;

магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва

тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмалар таъминланиши керак.

22. Илмий фаолият блокада илмий-тадқиқотлар методологиясини ўзлаштириш, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида муайян илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ишларни бажариш ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш назарда тутилади.

23. Илмий-тадқиқот ишлари:

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиш;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириш;

фан, техника, ижодиёт ва технологияларнинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллаш билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдиришга йўналтирилади.

24. Илмий-педагогик ишлар:

замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларида фойдаланган ҳолда педагогик маҳорат ва кўникмаларини шакллантириш;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш малакаси ва кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади.

V. Ўқув жараёнини ташкил этиш

25. Магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этишга қўйидаги талаблар қўйилади:

илмий-тадқиқот мавзуларининг мутахассисликларга мос бўлиши;

давлат таълим стандартлари талаблари даражасида назарий таълим, лаборатория машғулоти, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлаш учун зарурий ўқув-услубий ва моддий-техник базасининг мавжудлиги;

олий таълим муассасаси, буюртмачи ташкилотлар, академик ва илмий текшириш институтлари ҳамда илмий марказларда давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларига мувофиқ малака амалиётларини ўтказиш учун олий таълим муассасаси, факультет ва кафедралар билан корхоналар ўртасида тасдиқланган шартномаларнинг мавжудлиги;

магистрлар тайёрлаш жараёнига энг юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар шунингдек, давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ривожлантириш ва ахборотлаштириш шароитларида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали амалиётчиларнинг жалб этилиши.

26. Магистратурада талабанинг шахсий иш режаси асосида таълим олишига илмий раҳбар масъул ҳисобланади.

27. Магистратура талабаси семестр давомида икки марта кафедра йиғилишида расмий ҳисобот беради. Талабалар ҳисоботини эшитиш жадвали кафедра мудирини томонидан ишлаб чиқилади ва факультет декани (магистратура бўлими бошлиғи) томонидан тасдиқланади.

Кафедра мудирини талабаларнинг фанларни ўзлаштириши, илмий ишлари ҳолати бўйича ҳар семестрда бир марта факультет илмий кенгаши (магистратура бўлими)га ҳисобот беради.

Талаба илмий раҳбар иштирокида семестрлар якунида факультет илмий кенгаши (магистратура бўлими)га магистрлик диссертациясининг бажарилиш ҳолати, илмий, услубий мақолалар тайёрланиши, ўтказилган ижодий ишлар кўриги ҳақида ёзма ҳисобот тақдим этади.

28. Магистратурада барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соатга тенг бўлиши лозим. Кундузги ўқув шакли учун аудитория машғулотлари ва илмий фаолиятнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланади. Ўқишнинг норматив муддати икки йил бўлган тақдирда ўқув жараёни 100 ҳафта давом этиши зарур.

Айрим соҳалар учун кадрлар тайёрлаш ва ўқитиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, магистратурада таҳсил олиш муддатларини (3 йил) инобатга олиб, ўқув даврининг умумий ҳажмини назарий таълим, аттестация, амалиёт, таътил ва илмий фаолият тақсимотиغا Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

29. Талабанинг умумий ҳафталик юклараси 54 соат бўлган ҳолда аудитория ўқув юклараси соатлари ҳажми 18 — 20 соатдан ошмаслиги лозим. Қолган вақт талабаларнинг мустақил ишлари, илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва магистрлик диссертацияларини тайёрлашга ажратилади.

Қайд этилган ишлар кафедранинг доимий назорати остида ташкил этилади, календарь-тематик режалар ва қайд этиш журналлари юритилади.

30. Ўқув даври умумий ҳажмининг назарий таълим, амалий машғулот, илмий фаолият, малакавий амалиёт, якуний давлат аттестацияси ва таътиллار бўйича тақсимоти мазкур Низомнинг иловасида келтирилган жадвал бўйича амалга оширилади.

31. Талабалар ўзлаштириши рейтинг тизимига асосан баҳоланади.

32. Ўқиш даврида талаба камида иккита давлат имтиҳони (ижтимоий-иқтисодий ва мутахассислик фанлари бўйича) топширади ҳамда магистрлик диссертациясини тайёрлайди.

Якуний давлат аттестацияси тегишли фанлар бўйича ўқув жараёни тугаган семестрда ёки таълим дастури якунида топширилади.

33. Талабаларнинг мустақил иши ўқув режасидаги муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, билимларни мустақил ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш, замонавий ахборот манбаларидан самарали фойдаланишга йўналтирилади.

34. Талабанинг мустақил иши ҳам барча ўқув фаолияти турларидек, рейтинг тизими асосида баҳоланади.

VI. Талабаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

35. Магистратура талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фан, техника ва маданиятнинг замонавий тараққиёти даражасига мос келувчи билимларни олиш;

олий таълим муассасасининг муҳим масалаларини муҳокама этиш ва ҳал қилишда бевосита иштирок этиш;

кутубхонадан, ахборот ресурслари, ўқув, илмий, тиббий ва бошқа турдаги хизматлардан олий таълим муассасасининг уставида белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

илмий-тадқиқот ишларида, конференция ва симпозиумларда иштирок этиш;

ўз ишларини нашрга тақдим қилиш;
олий таълим муассасаси маъмуриятининг қарорлари устидан шикоят қилиш;
талабалар учун белгиланган тартиб ва миқдордаги стипендия, шунингдек Давлат стипендиялари ҳамда ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинланган стипендияларни олиш.

36. Талабаларнинг мажбуриятлари:

олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллаш;

ўқув режасида назарда тутилган топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажариш;

олий таълим муассасасининг Устави, ички тартиб қоидалари ва талабалар турар жойлари қоидаларига риоя этиш.

VII. Амалиётлар

37. Илмий педагогик ва касбий амалиётлар олий таълим муассасаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, буюртмачи ташкилот ва муассасалар илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлари, лабораториялари ва бўлинмаларида назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилади.

Амалиётлар икки томонлама ёки бошқа келишувлар асосида ўтказилиши ҳам мумкин.

38. Илмий-тадқиқот амалиёти:

магистратура мутахассислиги бўйича намунавий моделлар, объект ва жараёнларни тадқиқ қилиш усулларини ўрганиш;

тажриба тадқиқотларининг илмий-техник таъминотини ўрганиш;

тажриба тадқиқотларини ўтказиш;

тажриба тадқиқотлари натижаларини қайта ишлаш, таҳлил қилиш, хулоса ва тавсиялар тузиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

39. Илмий-техника ва илмий-ижодий амалиёти:

ихтисослик мавзуси бўйича масалалар ҳолатини кўриш, таҳлил қилиш ва жамлашга доир тадқиқотларни ўтказиш;

ечилаётган мавзу бўйича илмий-ижодий, илмий-техник, техник-иқтисодий ва бошқа талабларни шакллантириш;

мавзу бўйича муқобил техник ечимларни кўриб чиқиш ва энг самаралигини танлаш;

самарали техник ва иждодий ечимнинг патент (муаллифлик)га лойиқлиги ва патент (муаллифлик) софлигини тадқиқ қилиш;

энг самарали муқобил ҳисоб, конструкторлик, технологик ва техник-иқтисодий, иждодий ечимларни ҳал этиш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутати.

40. Илмий-педагогик амалиёт:

ихтисослик фанлари бўйича турли машғулотлар (маъруза, семинар, амалий иш, лаборатория иши ва бошқа илмий изланишлар)ни ўтказиш бўйича тажриба орттириш;

машғулотлар ўтказиш ва маърузалар матнларини тайёрлаш;

янги педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш ва қўллаш;

талабалар билимларини рейтинг баҳолаш тизимини ўрганиш ва амалда қўллаш;

талабалар мустақил билим олишининг ташкилий ва ўқув-услубий таъминотини ўрганиш ва амалда қўллаш;

услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

тарбиявий ишларни олиб бориш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

41. Касбий амалиёт:

тегишли соҳа илмий-амалий муаммоларини ва истиқбол ривожланишини тушуниш, илмий-техник ривожланиш замонида ўз соҳасининг ўрни ва аҳамияти, мутахассислигини, бошқа соҳалар билан ҳамкорлигини назарда тутиш;

мутахассислиги бўйича тегишли меъёрлар ва расмий ҳужжатларни билиш ва уларга асосан ўз фаолиятини ташкил этиш;

назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш;

соҳа бўйича илм-фан ютуқларини билиш, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ва қўллаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

42. Талабалар амалиётини ўтказилишини назорат этиш учун олий таълим муассасасида амалиёт раҳбари тайинланади. Амалиёт раҳбари кафедра йиғилишида ҳар ҳафта амалиётнинг ўтиши ҳақида ҳисобот бериб боради. Амалиёт тугагандан сўнг ҳар бир талаба амалиёт кундалиги ва амалиёт бўйича ҳисоботни белгиланган тартибда кафедрага топширади.

VIII. Магистрлик диссертацияси

43. Магистрлик диссертацияси (бундан кейин матнда диссертация иши деб юритилади) магистратурада таълим олаётган талабанинг яқунловчи иши ҳисобланади. Диссертация иши талабанинг ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий тадқиқот ишларининг натижасидир.

44. Диссертация иши мавзулари талабаларга биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри (иккинчи ярми) бошлангандан кейин икки ҳафта давомида тақдим этилади.

45. Диссертация иши мавзуси ишлаб чиқариш, таълим, иқтисодиёт, фан-техника, ижтимоий соҳалардаги илғор ва долзарб масалаларга бағишланиб, муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлилига қаратилган бўлиши шарт.

46. Кафедра тақдимномасига мувофиқ диссертация иши мавзулари ва илмий раҳбарлар олий ўқув юрти магистратура бўлими тавсияси асосида ректорнинг буйруғи билан тасдиқланади.

47. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида талаба:

илмий (ёки илмий-техник, илмий-ижодий) изланишлар олиб бориши, касбий муаммоларни кўра олиши ва уларни ечишнинг умумий усуллари ва йўлларини ўрганиши;

ўқув-тадқиқот давомида олинган ахборотларни матн ёки тасвирлар (чизма, расм) шаклида мужассамлантира олиши;

танланган мавзунинг долзарблигини асослаши;

соҳа бўйича ечилаётган илмий (ижодий) — техник масала ҳолатини таҳлил қилиши;

илмий-техник, техник-иқтисодий ва бошқа талабларни шакллантириши, қўйилган масалани ечиш услубларини кўриб чиқиши ва энг самаралигини аниқлаши;

энг самарали муқобил ечимни илмий, конструкторлик, технологик ва техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб бериши;

энг самарали муқобил ечимнинг патентга лойиқлиги ва патент соғлигини тадқиқ қилиши;

илмий-техник масала ечимининг натижалари бўйича хулосалар ва таклифларни шакллантириши ҳамда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида қўллаш имкониятларини аниқлаши лозим.

48. Диссертация ишига раҳбарлик юқори малакали, фан доктори ёки фан номзоди илмий даражага эга бўлган кафедраларнинг профессор ва доцентлари, шунингдек, давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ривожлантириш ва ахборотлаштириш шароитларида иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари илмий марказлари олимлари, конструкторлик бюрolari ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали амалиётчи мутахассислари томонидан амалга оширилади.

49. Бир ўқув йилида фан докторлари, профессорларга 5 тагача, фан номзодлари, доцентлар ва амалиётчи мутахассисларга 3 тагача магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилишга рухсат этилади.

50. Диссертация иши талабанинг ўқиган тилида (кафедра ёки магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ хорижий тилларда ҳам) ёзилиши мумкин. Хорижий тилда бажарилган илмий ишга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда диссертация ҳимояси таржима билан ўтказилади.

51. Диссертация ишининг асл нусхаси ҳимоядан кейин олий таълим муассасасида сақланади.

IX. Магистр тайёрлаш сифатини назорат қилиш

+

52. Магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ички назорат — олий таълим муассасаси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

якуний давлат назорати — олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ равишда ўқув фанлари бўйича давлат аттестацияси ва диссертация иши ҳимоясини ўз ичига олади;

давлат-жамоатчилик назорати — олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

ташқи назорат — Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади.

-

X. Якуний қоидалар

53. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

54. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Бадий академия, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат тест маркази билан келишилган.

Халқ таълими вазири

Т. ЖўРАЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 26 декабрь*

Соғлиқни сақлаш вазири

Тошкент ш.,
2007 йил 26 декабрь

Ф. НАЗИРОВ**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

Тошкент ш.,
2007 йил 26 декабрь

С. ИСМОИЛОВ**Маданият ва спорт
ишлари вазири**

Тошкент ш.,
2007 йил 26 декабрь

Р. ҚУРБОНОВ**Ташқи ишлар вазири**

Тошкент ш.,
2007 йил 26 декабрь

В. НОРОВ**Ўзбекистон Бадиий
академия раиси**

Тошкент ш.,
2007 йил 26 декабрь

Т. ҚЎЗИЕВ

+

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги бош директори**

Тошкент ш.,
2007 йил 26 декабрь

А. АРИПОВ**«Ўзбекистон темир йўллари»
ДАК раиси**

Тошкент ш.,
2007 йил 26 декабрь

А. РАМАТОВ**Давлат Солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2007 йил 26 декабрь

Б. ПАРПИЕВ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори

Б. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 26 декабрь

Магистратура тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Магистрлик дастурининг намунавий тузилмаси

Назарий таълим ва амалий машғулот, жумладан жорий, оралиқ ва якуний аттестациялар	38 ҳафта
Илмий фаолият, жумладан:	35 ҳафта
• илмий-тадқиқот иши	17 ҳафта
• илмий-педагогик иш	8 ҳафта
• магистрлик диссертацияси ишини тайёрлаш	10 ҳафта
Малакавий амалиёт	8 ҳафта
Якуний давлат аттестацияси	3 ҳафта
Таътилар	16 ҳафта
Жами	100 ҳафта

+

Фанлар блоклари бўйича таълим дастурининг тузилмаси

-

№	Блоklar ва фаолият турларининг номлари	Умумий юклама ҳажми, соатда
1.	Умумметодологик фанлар	756
2.	Мутахассислик фанлари	1296
3.	Илмий фаолият, жумладан:	1890
	илмий-тадқиқот иши	918
	илмий-педагогик иш	432
	магистрлик диссертацияси ишини тайёрлаш	540
4.	Малакавий амалиёт	432
5.	Якуний давлат аттестацияси	162
	Жами	4536

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI DAVLAT BOJXONA ҚЎМИТАСИНІНГ
ҚАРОРИ**29** Божхона қонунчилигини бузган шахсларни маъмурий ушлаб туриш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
7 февралда 717-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 17 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими тақомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Божхона қонунчилигини бузган шахсларни маъмурий ушлаб туриш тартиби тўғрисидаги низомга (1999 йил 7 май, рўйхат рақами 717) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси расининг биринчи ўринбосари Ш. Хайруллаев зиммасига юклатилсин.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
200 йил 17 январь,
01-02/22-6-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT BOJXONA ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ**30** Божхона брокери тўғрисидаги низомга қўшимчалар
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
7 февралда 1271-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 17 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Божхона брокери тўғрисидаги низомга (2003 йил 15 сентябрь, рўйхат рақами 1271 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 17-18-сон) иловага* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун муддат ўтгач кучга киради.

3. Ушбу қарор ижроси устидан назорат Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Хайруллаев зиммасига юклатилсин.

+

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

-

Тошкент ш.,
2008 йил 17 январь,
01-02/20-3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

31 Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
13 февралда 1339-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 23 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-744-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда талабаларга стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда тўлов-контракт шаклида таълим олаётган талабаларнинг юқори рейтинг кўрсаткичлари бўйича ўқишга қизиқишларини ошириш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. 2004 йил 10 мартдаги 2-П ва 43-сонли Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги қарори билан тасдиқланган (2004 йил 16 апрель, рўйхат рақами 1339 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 15-сон, 184-модда; 2005 йил, 34—36-сон, 266-модда) Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

Тошкент ш.,
2008 йил 22 январь,
13-сон

А. ПАРПИЕВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 22 январь,
3-сон

Р. АЗИМОВ

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

32 Молия бозорларида рейтинг агентликлари фаолиятига бўлган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 февралда 1766-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2008 йил 23 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-475-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 39-сон, 387-модда, 51-52-сон, 507-модда) билан тасдиқланган 2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Дастурининг 2.6-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази **қарор қилади:**

1. Молия бозорларида рейтинг агентликлари фаолиятига бўлган талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2007 йил 17 декабрь,
104-сон

Р. АЗИМОВ

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,
2007 йил 17 декабрь,
297-В-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш
ва назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 декабрь,
2007-13-сон

Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2007 йил 17 декабрдаги 104, 297-В, 2007-13-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН

**Молия бозорида рейтинг агентликлари фаолиятига
қўйиладиган талаблар тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 39-сон, 387-модда, 51-52 сон, 507-модда) молия бозорида рейтинг агентликлари фаолиятига қўйиладиган талабларни белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мақсадларида қўйидаги иборалардан фойдаланилади:
рейтинг баҳолаш — рейтинг ҳисоботи кўринишидаги рейтинг агентлигининг стандарт белги (рақамли ва ҳарфли) шаклига мувофиқ, тегишли изоҳларда ифодаланган фикри;
рейтинг фаолияти — молия бозорида рейтинг баҳолашни амалга оширишга йўналтирилган рейтинг агентлигининг тадбиркорлик фаолияти;
рейтинг агентлиги — рейтинг фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс (тижорат ташкилоти);
мижоз — қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда, рейтинг агентлиги билан рейтинг баҳосини олиш бўйича шартнома тузган юридик шахс.
2. Рейтинг баҳолашнинг мақсади бўлиб, кредит ва бошқа таваккалчиликлар шунингдек, мижознинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш қобилиятига нисбатан мустақил фикрни ифода қилиш ҳисобланади.
3. Рейтинг баҳолашнинг объекти бўлиб, мижознинг кредит тўлаш қобилияти, тўловлилик қобилияти, молиявий барқарорлик, корпоратив бошқаруви, қимматли қоғозлар ликвидлилиги ва бошқа молиявий кўрсаткичлари ҳисобланади.
4. Рейтинг агентликларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

II. Молия бозорида рейтинг агентликларига ва рейтинг фаолиятига қўйиладиган талаблар

5. Рейтинг агентликлари исталган турдаги ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилишлари мумкин.

6. Рейтинг агентликлари номида «рейтинг агентлиги» деган сўзлар бўлиши шарт ва таъсис ҳужжатларида рейтинг фаолиятини асосий фаолият тури сифатида кўрсатишлари керак.

7. Рейтинг агентликлари рейтинг баҳолашни амалга оширишда:

молиявий таҳлил кўрсаткичларга, жумладан рентабеллик, тўловга лаёқатлилиқ, молиявий барқарорлик, ликвидлик, активлар сифати, пул тушуми оқимлари ва бошқаларга асосланади;

мижознинг корпоратив бошқарувини таҳлил қилади;

ушбу Низом ва ўзи томонидан тасдиқланадиган рейтинг баҳолаш қўлланма талабларига риоя қилади;

беш иш куни давомида оммавий ахборот воситалари ва қимматли қоғозлар савдолари ташкилотчилари сайтларида берилган рейтинг баҳолаш натижаларини, шунингдек илгари берилган рейтинг баҳоларига барча ўзгартиришларни эълон қилади;

эълонларда рейтинг баҳосида қайсидир қимматли қоғозни сотиб олиш, ушлаб туриш ёки сотиш бўйича тавсиялар йўқлигини кўрсатиб ўтади;

мижозлардан олинган маълумотларни махфийлигини таъминлайди, конун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

ўз фаолиятида виждонан рақобатсизликка йўл қўймайди, жумладан бошқа рейтинг агентликларига нисбатан мижозга баландроқ рейтинг беришни кафиллаш йўли билан;

камида 3 йил давомида қуйидаги ҳужжатларни сақланишини таъминлайди:

мижозлар билан тузилган шартномалар нусхаларини;

берилган рейтинг баҳоларини, шунингдек илгари берилган рейтинг баҳоларига барча ўзгартиришларни;

конун ҳужжатларига мувофиқ сақланиши лозим бўлган бошқа ҳужжатларни.

8. Рейтинг агентлигининг, рейтинг ўтказиш ва мониторинг олиб бориш учун жалб этилган ходимлари молия, бухгалтерия ва иқтисод соҳалари бўйича олий маълумотга эга бўлишлари, шунингдек кўрсатилган соҳаларнинг бири бўйича 3 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлишлари шарт. Бунинг учун рейтинг агентлиги мустақил, объектив ва ишончли фикр юритадиган, юқори малакали таҳлилчиларни таълим олишига ва тайёрлашга йўналтирилган сиёсат ва тадбирларини ишлаб чиқади.

9. Рейтинг агентлиги рейтинг таҳлилчилар жамоасини ва жараёнларнинг узлуксизлигини ва барқарорлигини ҳамда ўзининг таҳлилчиларини таълим олишини таъминлайдиган рейтинг жараёнларини ташкиллаштириши керак. Рейтинг агентлиги ҳар календарь йилнинг охирида ўзининг Интернет тармоғидаги сайтида унинг таҳлилчилари томонидан ўтказилган таълим дастурлари ва малака ошириш дастурлари бўйича маълумотни эълон қилиши керак.

10. Рейтинг агентликлари юридик шахсларга рейтинг баҳо бера олмайдилар, агарда:

улар мижознинг таъсисчиси (акционери) бўлса;

мижоз ушбу рейтинг агентлигининг устав жамғармасида улушга эга бўлса;

рейтинг агентлигининг ходими, мижознинг бошқарув органи таркибига кирса.

11. Агарда рейтинг агентлигининг раҳбари ёки ходимлари бир вақтнинг ўзида ўзининг уюшган ёки шуъба корхоналарининг бошқарув органида қатнашса, ушбу корхона ёки унинг қимматли қоғозларига рейтинг бера олмайдилар.

12. Рейтинг агентлигининг ходими мижознинг рейтингини аниқлашда қатнашишига ёки қандайдир таъсир ўтказишига йўл қўйилмайди, агарда ушбу ходим:

бевосита ёки аффилиланган шахслар орқали мижоз томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга эгалик қилганда;

ўтган олти ой давомида мижознинг ходими бўлганда;

мижознинг аффилиланган шахси бўлганда;

мижоз олдида мулкӣ ўзлаштирмалари бўлганда.

13. Рейтинг агентлиги бошқаруви, ўзининг вазифаларини бажаришда ўз иштирокчилари (таъсисчилари) таъсиридан ёки аралашувидан мустақил бўлиши керак.

14. Рейтинг агентлиги ишлаб чиқилган сиёсатининг бажарилишини, ўзининг мустақиллигини ва ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви таъсирини минимизациялашувини таъминлаш учун назорат ва тадбирларини белгилайди ва таъминлайди. Унинг фаолияти мустақиллигини, ишончлилигини ва ҳолислигини таъминлаш масалалари белгиланган сиёсатида акс эттирилган бўлиши керак.

15. Рейтинг агентлигининг мижоз билан ўзаро алоқалари рейтинг баҳолаш тўғрисидаги шартнома билан тартибга солиниб, қўйидагиларни ўз ичига олади:

Мижоз томонидан тўғри, аниқ ва вақтида бериладиган маълумотни тақдим этилишини ўз ичига олган ҳолда, мижозни объектив рейтинг баҳосини амалга ошириш мақсадида мижознинг рейтинг агентлиги билан ҳамкорликка розилиги;

— ушбу Низомда белгиланган тартиб асосида, рейтинг агентлиги қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитенти устидан даврий мониторингни ўтказишга мижознинг розилиги; +

охирги уч йилда бошқа рейтинг агентликлари томонидан мижознинг рейтинг баҳоси берилган барча қимматли қоғозлари ҳақидаги маълумотларни ошқор қилиш мажбурияти;

рейтинг хизмати ҳақи;

рейтинг ўтказиш шартларига мувофиқ ҳар бир томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланганлиги;

қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа шартлар.

III. Рейтинг баҳолаш услубияти

16. Ҳар бир рейтинг агентлиги, рейтинг берилётган корхонанинг қайси тармоққа тегишлилиги, улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар тури ва тоифаларини (хил) аниқлаган ҳолда рейтинг тадбирларини белгилаши, ҳамда ўзининг рейтинг бериш услубиятларини ишлаб чиқиши керак.

17. Рейтинг услубияти тадбиқ этилаётган ҳар бир қимматли қоғоз тури ёки иқтисодиёт тармоғи учун ишлаб чиқилиши ва мослаштирилиши керак. Рейтинг агентлиги зарур бўлганда, корпоратив бошқарув таҳлилини кредит таваккалчилигига таъсирини тўлиқ баҳолаш учун рейтинг тизимида киритиши керак.

18. Рейтинг агентлиги ўзининг Интернет тармоғидаги сайтида оммани янги жорий этилган инструментлар, услубиятлар ва белгилар ҳақидаги тегишли маълумотни чоп этиш орқали хабардор қилиб бориши керак.

IV. Рейтинг агентлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Рейтинг агентлигининг ҳуқуқлари:
мижоздан шартномага асосан, рейтинг баҳолашни ўтказиш учун керак бўлган барча маълумотларни олиш;
рейтинг баҳолаш услубида кўрсатиб ўтилган қўшимча кўрсаткичлар таҳлиliga асосланган ҳолда рейтинг бериш;
мижоз шартнома шартларини бузган ҳолда, рейтинг ўтказишдан бош тортиш;
оммавий ахборот воситаларида рейтинг ҳисоботининг тўлиқ матнини эълон қилиш.
20. Рейтинг агентлигининг мажбуриятлари:
рейтинг баҳосини тўлиқлигини ва ҳаққонийлигини таъминлаш;
нотўғри маълумотларни тарқатмаслик;
ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, маълумотларни ошкор қилиш;
ушбу Низом, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш.
21. Рейтинг агентлиги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

V. Яқуний қоидалар

22. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
23. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 8 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**33 Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
13 февралда 1767-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 23 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июндаги 120-сонли «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 2 январь,
1/4-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Марказий банк Бошқарувининг
2008 йил 2 январдаги 1/4-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини
қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июндаги 120-сонли «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тўлов тизимини ташкил қилиш бўйича асосий қоидаларни, умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари, жумладан Интернет орқали ахборот тизимларига киришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмларини, шунингдек, тўлов тизими субъектлари ўртасида молиявий маълумотларни ўзаро айирбошлашда реквизитлар таркибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур қоидаларда қуйидаги тушунча ва атамалардан фойдаланилади:

тўлов ташкилоти — тўлов тизимини идентификация қилувчи товар белгиси ва (ёки) хизмат кўрсатиш белгиси ҳуқуқларига эгалик қилувчи ва уларнинг қоидаларини белгиловчи юридик шахс;

тўлов тизими фойдаланувчилари — электрон тўловларни амалга оширишда тўлов тизими хизматларидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

тўлов тизимининг аъзолари — мазкур тўлов тизими фойдаланувчиларига тўлов ташкилоти билан шартнома асосида электрон тўловларни амалга ошириш хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситалари — ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун унинг криптографик алмаштирилишини амалга оширувчи аппарат, дастурий ёки аппарат-дастурий воситалар, шу жумладан:

а) шифрлаш воситалари — ахборот алмаштирилишида криптографик алгоритмларни қўлловчи ва ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва алоқа каналлари орқали узатишда унга рухсатсиз кириш (фойдаланиш)дан муҳофаза қилиш учун қўлланиладиган аппарат, дастурий ва аппарат-дастурий воситалар;

б) имитоҳимоялаш воситалари — ахборотни криптографик ўзгартириш ва ёлғон ахборот билан боғланишдан муҳофазалашни амалга оширувчи аппарат, дастурий ва аппарат-дастурий воситалар;

в) электрон рақамли имзо воситалари — электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо яратилишини, электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланиши, электрон рақамли имзонинг очиқ ва ёпиқ калитлари яратилишини таъминладиган барча техникавий ва дастурий воситалар мажмуи;

г) кодлаш воситалари — ўзгартиришнинг айрим қисмини қўлда бажариладиган амаллар орқали ахборотни криптографик ўзгартириш алгоритминини амалга оширишда қўлланиладиган воситалар;

д) калит ҳужжатларни яратиш воситалари ва калит ҳужжатлари (калит ахборотларни ташиш туридан қатъи назар).

2. Тўлов тизимини яратувчи тўлов ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида белгиланган тўлов тизими қоидаларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши керак.

3. Банкнинг ички тўлов тизимини ташкил қилиш «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги низомга (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 630) мувофиқ бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Чакана тўловлар тизимларини ташкил қилувчи, бошқа тўлов ташкилотлари-резидентлар қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтишлари керак.

4. Тўлов ташкилоти ўзаро шартномалар тузилган чакана тўлов тизими аъзоларининг рўйхатини олиб бориши, бунда чакана тўлов тизими аъзоларининг тартиб рақами ва барча хизмат кўрсатиш пунктлари (манзиллари билан) ҳамда шартномаларнинг санаси ва рақами кўрсатилган бўлиши керак.

II. Тўлов тизимларининг ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш қоидалари

5. Автоматлаштирилган банк тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш қоидалари, шу жумладан, банкларда сервер хоналарини ташкил қилиш Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни

муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномаси (2001 йил 9 июль, рўйхат рақами 1047) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

6. Ташқаридан бегоналарнинг киришини ва тижорат ахборотини ўғирланишини олдини олиш учун банк бўлмаган тўлов ташкилотларнинг сервер хоналари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) мустаҳкам деворлар, ишончли тўсиқларга ва панжараларга эга бўлиши;

2) махсус кодли ёки бошқа турдаги ишончли қулфлар билан жиҳозланган мустаҳкам эшиклар билан жиҳозланиши;

3) ташқи кузатувга қарши химоя воситаларига эга бўлиши;

4) ёнғин хавфсизлиги ва қўриқлаш сигнализациясини мавжудлиги, зарур ҳолларда огоҳлантириш қурилмалари ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг пультага уланилади.

7. Тўлов тизими серверларини ташқи таъсирдан химоялаш учун тармоқлар-аро экранлар (Firewall) ўрнатилади. Банкларда банк ҳисобварақларини масофадан фаол бошқариш тизимларида ишлаш ва бошқа тўлов тизимларини уланиши учун алоҳида амалий масалалар серверлари ўрнатилади.

8. Тўлов тизими фойдаланувчиларини тўлов тизимига киришда аутентификация қилиш қуйидагилар ёрдамида амалга оширилади:

1) логин ва пароль (8 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинацияси);

2) банк картасининг рақами ва пин-коди (одатда 14 белгили символлар комбинацияси);

3) логин ва паролнинг бир марталик ўзгарувчи кодлар билан биргаликда қўллаш.

Аутентификация натижаси уч марта нотўғри бўлган ҳолда, тизим беркитилиши керак. Тўлов тизими фойдаланувчиларини аутентификация қилиш усулларини техник-дастурий воситаларни қўллаган ҳолда такомиллаштиришга рухсат этилади.

Тўлов тизими аъзоларини тўлов тизимига ҳамда бошқа тўлов тизимларини банк ички тўлов тизимининг автоматлаштирилган банк тизимига уланишида аутентификациялаш, албатта техник-дастурий воситалар ва IP-манзилни аниқлаш ёрдамида бажарилади.

9. Операцияларнинг асслигини тасдиқлаш электрон тўлов ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан имзолаш ва/ёки бир марталик ўзгарувчи кодлардан фойдаланиш ёрдамида амалга оширилади. Алоҳида бир марталик ўзгарувчи кодлар ишлатилганда операциялар суммасининг чекланиши тавсия этилади.

10. Тўлов тизими фойдаланувчилари ва аъзолари ўртасида электрон ахборот айирбошлашда, шунингдек, банк ҳисобварақларини масофадан фаол бошқариш тизимларига кириш SSL протоколи бўйича амалга оширилади, тўлов тизими аъзолари ўртасида химояланган шифрланган алоқа каналлари (VPN) қўлланилади. Ахборотни махфийлигини таъминлаш учун қўшимча сертификацияланган ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

11. Тўлов тизими серверларига узатиладиган ва қабул қилинадиган ахборот сўнги янгиланган антивирус базали лицензияга эга бўлган антивирус дастури билан вируслар мавжудлиги бўйича текширилиши керак.

12. Тўлов тизими фойдаланувчиларини тизимга кирганлиги ҳамда амалга оширилган операциялар тўғрисида уларнинг уяли телефони, электрон почтасига ёки бошқа огоҳлантириш воситалари орқали хабардор қилиш тавсия этилади.

III. Тўлов тизими субъектлари ўртасида молиявий маълумотларни ўзаро айирбошлашдаги реквизитлар таркибига қўйиладиган талаблар

13. Банклараро ва банкнинг ички тўлов тизимида қўлланиладиган ҳамда банк ҳисобварақларига масофадан фаол хизмат кўрсатиш тизимларида шакллантириладиган банк электрон тўлов ҳужжатлари реквизитлари таркибига қўйиладиган талаблар, «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга (2006 йил 14 февраль, рўйхат рақами 1545) мувофиқ аниқланади.

14. Чакана тўлов тизимларида клиринг операциялари учун, яъни банк тўлов тизимлари орқали бир нечта операциялар бўйича ягона суммали битта электрон тўлов амалга оширилишида, шунингдек, банк ҳисобварақларига масофадан фаол хизмат кўрсатиш тизимларида телекоммуникация провайдер ва операторлар ёки коммунал хизмат (электр ва телекоммуникация хизматлари, эксплуатацион ва коммунал хизматлар) корхоналари фойдасига бир хил турдаги операцияларда электрон тўлов ҳужжатларининг бошқа шаклларида фойдаланишга рухсат этилади. Бунда пул маблағларини тўловчи ва олувчи — тўлов тизимининг фойдаланувчилари, шунингдек, банк ҳисобварақларига/дан пул ўтказмалари амалга оширилган ҳолларда эса, уларнинг банк реквизитлари ҳам аниқ идентификацияланган бўлиши керак. Электрон тўлов ҳужжати реквизитларининг таркиби ва тузилмасига бўлган талаблар пул маблағларини олувчилари билан келишилади ҳамда тўлов тизими қоидаларида белгиланади.

15. Электрон тўловлар, электрон тўловларнинг мақсадини ишончли ва тўлиқ баён этадиган ҳужжатларни мажбурий тузишни кўзда тутаяди:

тўлов тизими аъзолари томонидан нақд пулларни қабул қилишда қоғоз кўри-нишида (слип, электрон терминал квитанцияси);

электрон тўлов ҳужжатларини ўтказишда электрон кўринишида (терминал ёки банкоматларнинг электрон журналидаги ҳужжат, электрон квитанция ёки шахсий ҳисобварақдан электрон кўчирма);

тўлов тизими қоидаларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Кўрсатилган ҳужжатлар амалга оширилган операцияларни қўлда қайта тиклаш учун зарур бўлган барча керакли маълумотларни, жумладан электрон тўлов амалга ошириладиган товар/хизматнинг номини ўз ичига олиши ҳамда тўлов тизими субъектларига тақдим қилиниши шарт.

IV. Яқунловчи қоидалар

16. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган.

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги Бош директори*

А. АРИПОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 2 январь*

*Миллий хавфсизлик
хизмати раиси*

Р. ИНОЯТОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 2 январь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

34 **Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
13 февралда 1768-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 23 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-744-сон қарорининг 18-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан сўнг кучга киради.

Халқ таълими вазири

Т. ЖўРАЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 21 январь,
2-сон*

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 21 январь,
4-сон*

Халқ таълими вазирлиги, Молия
вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги
2, 4-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва
мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ
тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорининг 18-бандига мувофиқ давлат мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда мактабгача таълим муассасалари деб юритилади) ва мактаб-интернатларда (кейинги ўринларда интернатлар деб юритилади) болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилмайдиган мактабгача таълим муассасалари ва интернатларга татбиқ этилади, қуйидагилар бундан мустасно:

- а) футбол бўйича мактаб-интернатлар;
- б) турли касалликлар билан касалланган болалар учун мактаб-интернатлар;
- в) кам таъминланган оилалардаги болалар учун мактаб-интернатлар;
- г) етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар учун мактаб-интернатлар.

2. Давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилмайдиган мактабгача таълим муассасалари ва интернатлари таъминотига маблағлар миқдори ва пул тўлаш тартиби уларнинг муассислари томонидан белгиланади.

3. Мактабгача таълим муассасаларида болалар ва интернатларда тарбияланувчилар таъминоти учун тўланган тўловлар бюджетда назарда тутилган маблағлар билан бирга мақсадли равишда болалар (тарбияланувчилар)нинг озик-овқат таъминотини яхшилаш учун йўналтирилади.

4. Мактабгача таълим муассасалари ва интернатларда болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланмайдиган миқдорларда ундирилади.

5. Агар оилада икки ва ундан ортиқ болалар турли мактабгача таълим муассасаларига қатнаса, ушбу тоифа оилалар учун белгиланган тўлов миқдорларини қўллаш учун ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) тегишли равишда бир мактабгача таълим муассасасидан бошқасига болаларнинг бошқа мактабгача таълим муассасаларга қатнаши тўғрисида маълумотнома тақдим этиши лозим.

6. Мактабгача таълим муассасаларида ушбу Низомнинг иловасида кўрсатилган касалликлари бўлган ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари ва умумий типдаги мактабгача таълим муассасалари қошидаги гуруҳларда тарбияланувчи болалар таъминоти учун тўловлар олинмайди.

7. Мактабгача таълим муассасалари ва интернатларда болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловлар ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва

мактабгача таълим муассасалари ёки интернатлар маъмурияти ўртасида тузилган шартномага асосан тўланади.

8. Мактабгача таълим муассасалари ва интернатлардаги болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловлар ҳар ойда тўлови тўланаётган жорий ойнинг 10-санасидан кечикмасдан тўланади.

9. Мактабгача таълим муассасалари ва интернатлардаги болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловлар банк муассасаларига тўланади. Бунда тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция) нусхаси мактабгача таълим муассасасига тақдим этилади.

10. Агар тўлов нақд пулсиз шаклда амалга оширилган бўлса, мактабгача таълим муассасаси ёки интернатга тўлов топшириқномасининг нусхаси (тўлов тўланганлиги тўғрисидаги банк белгиси қўйилган ҳолда) тақдим этилади.

11. Болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловлардан тушган тушумлар:

юридик шахс мақомига ва бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамига эга бўлган мактабгача таълим муассасаси ёки интернат;

мактабгача таълим муассасаси юридик шахс мақомига эга бўлмаса, ҳудудий молия органининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими ёки ушбу муассаса балансида бўлган бошқа идораларнинг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олган депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

12. Ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларидан фойдаланадиган ғазначилик хизматида ўтган ҳудудлар бўйича мактабгача таълим муассасалари ва интернатларда болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловлар Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар ҳисобида турадиган мактабгача таълим муассасалари ва интернатлар бўйича белгиланган тартибда ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларига ўтказилади ва алоҳида шахсий ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади.

13. Мактабгача таълим муассасалари ва интернатларда болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловлар ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган муддатдан кейин икки ҳафта мобайнида узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан шартнома тўхтатилиши ёхуд болалар (тарбияланувчилар) мактабгача таълим муассасаси ёки интернатдан чиқарилиши мумкин.

14. Кредитор қарздорлик пайдо бўлган санадан 90 календарь кун мобайнида мактабгача таълим муассасасидаги бола таъминоти учун мавжуд бўлган қарздорлик қопланганда, болани ушбу мактабгача таълим муассасасига тиклаш мажбурий тартибда амалга оширилади. Кўрсатилган муддат бузилган тақдирда мактабгача таълим муассасасига болани тиклаш янги қабул қилинган болалар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

II. Мактабгача таълим муассасаларида тўловлар ҳисоб-китоби ва уни тўлаш тартиби

15. Мактабгача таълим муассасасидаги бола таъминоти учун тўловларнинг бир кунлик қийматини аниқлаш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ота-оналар бир ойлик тўловларининг миқдори мактабгача таълим муассасасининг ойлик иш жадвали бўйича иш кунлари сонига бўлинади.

16. Бола касаллиги ёки унинг оила аъзолари касалланганлиги (карантин бўлган) туфайли, шунингдек ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг меҳнат таътили даврида боланинг мактабгача таълим муассасасига кетма-кет уч кундан ортиқ

келмаган давр учун тўланган тўловлар, кейинги тўловларда ҳисобга олинади (фақат мактабгача таълим муассасасининг иш кунлари сони ҳисобга олинади).

Боланинг касаллиги ёки унинг оила аъзолари касалланганлиги (карантин бўлгани) туфайли боланинг келмаганлиги тегишли даволаш муассасаси ёки участка врач томонидан бериладиган маълумотнома билан тасдиқланиши шарт.

17. Бола уйда қолган бошқа барча ҳолатларда мактабгача таълим муассасасида болалар таъминоти учун тўловлар умумий асосларда ундирилади.

18. Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг аризасига кўра тўловлар тўлиқ бўлмаган ой учун яъни, боланинг ушбу мактабгача таълим муассасасига қатнашни тўхтатадиган ва рўйхатдан чиқариладиган кунгача бўлган давр учун ундирилиши мумкин.

19. Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) мактабгача таълим муассасасига боланинг ушбу муассасага қатнаши тўхтатилиши тўғрисида камида бир ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Агар бу ҳақда мактабгача таълим муассасаси огоҳлантирилмаган бўлса, тўланган пулни қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Бунда боланинг мактабгача таълим муассасаларида тўлов тўланган даврдан ортиқ муддатга қолиши, ушбу ой учун тўловнинг қолган қисми тўланмагунча мумкин эмас.

20. Мактабгача таълим муассасаси бошқа иш режимига ўтган ҳолатларда, муассаса бошқа иш режимига ўтган кундан бошлаб тўловлар болаларнинг бўлиши тегишли узайтирилган, муддатли гуруҳлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

III. Интернатларда тўловлар ҳисоб-китоби ва уни тўлаш тартиби

21. Интернатлардаги тарбияланувчилар таъминоти учун тўловларнинг бир кунлик қийматини аниқлаш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) бир ойлик тўловларининг миқдори интернатнинг ойлик иш жадвали бўйича иш кунлари сонига бўлинади.

22. Тарбияланувчининг касаллиги ёки унинг оила аъзолари касалланганлиги (карантин бўлган) туфайли, шунингдек ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг меҳнат таътили даврида тарбияланувчининг интернатга кетма-кет уч кундан ортиқ келмаган давр учун тўланган тўловлар, кейинги тўловларда ҳисобга олинади (фақат интернатнинг иш кунлари сони ҳисобга олинади).

Тарбияланувчининг касаллиги ёки унинг оила аъзолари касалланганлиги (карантин бўлган) туфайли тарбияланувчининг келмаганлиги тегишли даволаш муассасаси ёки участка врач томонидан бериладиган маълумотнома билан тасдиқланиши шарт.

23. Тарбияланувчи уйда қолишининг бошқа барча ҳолатларида интернатда тарбияланувчилар таъминоти учун тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади.

24. Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг аризасига кўра тўловлар тўлиқ бўлмаган ой учун яъни, тарбияланувчининг ушбу интернатга қатнашни тўхтатадиган ва рўйхатдан чиқариладиган кунгача бўлган давр учун ундирилиши мумкин.

25. Ота-оналар интернатга тарбияланувчининг ушбу муассасага қатнаши тўхтатилиши тўғрисида камида бир ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Агар бу ҳақда интернат огоҳлантирилмаган бўлса, тўланган пулни қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Бунда тарбияланувчининг интернатда тўлов тўланган даврдан ортиқ муддатга қолиши, ушбу ой учун тўловнинг қолган қисми тўланмагунча мумкин эмас.

IV. Кам таъминланган оилалар болаларини тўловлардан озод қилиш тартиби

26. Мактабгача таълим муассасалари ва интернатларда болалар таъминоти учун тўловлардан кам таъминланган оилаларнинг болалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу муассасаларда (интернатларда)ги уларнинг умумий сонидан 15 фоизи доирасида озод қилинади. Бунда ота-оналари (биттаси ёки иккаласи) I ёки II гуруҳ ногиронлари бўлган кам таъминланган оилаларнинг болалари, биринчи навбатда тўловлардан озод қилинади.

27. Болалар (тарбияланувчилар)ни тўловлардан озод қилиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган оиланинг кам таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотнома асос бўлади.

Ушбу ҳужжатлар мактабгача таълим муассасаси ва интернатга тегишли тартибда кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

28. Тўловлардан озод қилинадиган кам таъминланган оилаларнинг болалари (тарбияланувчилар) рўйхати молиявий йил бошлангунга қадар (умумий режадаги болалар, тарбияланувчилар сонидан 15 фоиз доирасида) васийлик кенгаши мажлиси баёнига асосан мактабгача таълим муассасаси ёки интернат раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

29. Рўйхатга кирмаган кам таъминланган оилаларнинг болалари қаторидан, рўйхат мактабгача таълим муассасасидан ёки интернатдан бутунлай чиқиб кетиши муносабати билан ўзгартирилган ҳолларда юқорида кўрсатилган рўйхат тўлдириб бориладиган захира шакллантирилади. Рўйхат оиланинг бир аъзосига бир ойда тўғри келадиган жами даромади энг паст даражада бўлган кам таъминланган оилаларнинг болаларини унга биринчи навбатда киритиш тамойилига риоя қилган ҳолда тўлдириб борилади.

V. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи

30. Болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва маблағларни тушириш бўйича бухгалтерия ҳисоби:

юридик шахс мақомига эга бўлмаган мактабгача таълим муассасаларида — ҳудудий молия органининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими томонидан;

юридик шахс мақомига эга бўлган мактабгача таълим муассасаларида — уларнинг бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

31. Болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун ота-оналар тўлови бўйича ҳисоб-китобларнинг таҳлилий ҳисоби 327-шакл бўйича мактабгача таълим муассасаларидаги болалар таъминоти учун ота-оналар билан ҳисоб-китоблар жадвали (ведомости)да юритилади.

32. Банкка тўланган ёки топширилган суммалар 01 8 30 «Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш харажатлари» типи, объекти ва объект ости бўйича ғазна харажатларини тиклаш учун 294-шакл дафтарига ёзиб борилади.

33. Тўловларни ҳисоблаш 305-шакл бўйича болаларни даволат табелига асосан амалда қатнаган кунлари учун ҳар ойнинг охириги иш кунида амалга оширилади.

34. Бухгалтерия ҳисобида ота-оналар киритадиган тўловларини ҳисоблаш қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали расмийлаштирилади:

Д-т	К-т
172	236

35. Ота-оналар томонидан тўланган маблағлар суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Д-т	К-т
09 ёки 10 ҳисобварақлари тегишли ёрдамчи ҳисобварақлар	172

36. Йил охирида 236 ёрдамчи ҳисобварағи дебет қисмига бюджет бўйича (200 ёрдамчи ҳисобварағи) амалдаги харажатлар 236 ёрдамчи ҳисобварағига ҳисоблаб ёзилган суммалар доирасида кўчириб ёзилади.

37. Ҳудудий вазначилик ҳисоб рақамларидан фойдаланган ҳолда вазначилик хизматига ўтган минтақалар бўйича ота-оналар тўловларини ҳисоблаш қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали расмийлаштирилади:

Д-т	К-т
172	236

+

38. Ота-оналардан келиб тушган суммалар уларни мактабгача таълим муассасаларининг (интернатларнинг) алоҳида шахсий ҳисоб рақамларида акс эттирган ҳолда ҳудудий вазначилик ҳисоб рақамларига ёзилиб борилади, жумладан:

а) тўловларни шахсий ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан:

Д-т	К-т
104	172

б) кейинчалик мактабгача таълим муассасалари (интернатлар)нинг алоҳида шахсий ҳисоб рақамларига ўтказган ҳолда.

Д-т	К-т
120	172
104	120

39. Тушган маблағларни мактабгача таълим муассасалари (интернатлар) томонидан сарфлашда қуйидаги ўтказмалар қўлланади:

Д-т	К-т
178	104
209	178

40. Йил охирида 236 ёрдамчи ҳисобварағи дебет қисмига бюджет бўйича (209 ёрдамчи ҳисобварағи) амалдаги харажатлар 236 ёрдамчи ҳисобварағига ҳисоблаб ёзилган суммалар доирасида кўчириб ёзилади.

VI. Яқуний қоидалар

41. Болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида келиб тушиши, ҳисоб ва ҳисоботни юритиши, шунингдек, тушган маблағлардан мақсадли фойдаланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

42. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

43. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 30 январь*

Мактабгача тарбия болалар
муассасалари ва мактаб-интернатлардаги
болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

—

**Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг
таъминоти учун тўловлар ундирилмайдиган болалар
касалликлари рўйхати**

+

1. Қулоғи қар (жумладан заиф эшитадиган)
2. Кўзи ожиз (жумладан кўриш қобилияти паст)
3. Нутқнинг оғир бузилишлари (алалия, дизартрия, ринолалия, афазия, дудуклик, нутқнинг I ва II даражали умумий ривожланмаганлиги)
4. Таянч-ҳаракат аппаратининг бузилиши (церебраль фалажлик, полиомиелит асоратлари, артрогиппоз, хондродистрофия, миопатия)
5. Ақли заифлик, руҳий ривожланишининг сустлиги (ақлий қобилиятнинг бузилиши)
6. Сил касаллигининг илк кўриниши (бемор билан алоқада бўлиш ва тубвираж), шунингдек сил касаллиги ва гепатит касаллигидан кейинги тиклаш даври.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2008 йил 2 февралдан 15 февралгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2007 йил 29 декабрдаги 269-сонли буйруғи.*

2008 йил 4 февралда 1765-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 февралдан кучга киради).

2. «Божхона қонунчилигини бузган шахсларни маъмурий ушлаб туриш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 17 январдаги 01-02/22-6-сонли қарори.*

2008 йил 7 февралда 717-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 17 февралдан кучга киради).

3. «Божхона брокери тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 17 январдаги 01-02/20-3-сонли қарори.*

2008 йил 7 февралда 1271-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 17 февралдан кучга киради).

4. «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 22 январдаги 13, 3-сонли қарори.*

2008 йил 13 февралда 1339-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 февралдан кучга киради).

5. «Молия бозорларида рейтинг агентликлари фаолиятига бўлган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2007 йил 17 декабрдаги 104, 297-В, 2007-13-сонли қарори.*

2008 йил 13 февралда 1766-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 февралдан кучга киради).

6. «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 2 январдаги 1/4-сонли қарори.*

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

2008 йил 13 февралда 1767-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 февралдан кучга киради).

7. «Мақтабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 2, 4-сонли қарори.

2008 йил 13 февралда 1768-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 февралдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Босим остида ишлайдиган идишларнинг паспортларини (дубликатларини) тузиш тартиби ҳақидаги услубий қўлланмалар. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

2. Ҳайвонларнинг бактериал касалликларини даволаш ва олдини олишда брo-вацилин (эмлаш учун кукун) препаратини қўллаш бўйича қўлланма;

5%ли синтомицин линиментини ветеринарияда қўллаш бўйича қўлланма;

Ҳайвон ва паррандалардаги юкумли тери касалликларини даволаш ва олдини олиш учун «ЯМ» фунгицид-акарицид мазини қўллаш бўйича қўлланма;

Ҳайвон ва паррандалардаги эндо ва эктопаразитларга қарши бровермектин (инъекцион эритма) препаратини қўллаш бўйича қўлланма;

Ҳайвонлардаги эндо ва эктопаразитларга қарши бронтел (10 %ли инъекцион эритма) препаратини қўллаш бўйича қўлланма;

10%ли ихтиол мазини (суртма дори) ветеринарияда қўллаш бўйича қўлланма;

Паррандаларнинг вирусли грипп касаллиги кўзғатувчисига антителаларни аниқлаш учун тест-йиғмани қўллаш бўйича қўлланма.

Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

III. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1995 йил 28 апрелдаги 03-720-сон хати.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида

кўрсатилган хат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу хатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlани;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг